


Мусулмонлар Рамазонда Макка, Мадина ва Қуддусга ташриф буюришлари мумкин



17:30 / 08.04.2021 2890

Кейинги ҳафтадан бошлаб бутун дунёдаги мусулмонлар Рамазон ойида Макка, Мадина ва Қуддусдаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишлари мумкин.

Se-ma-for Studio томонидан ишлаб чиқилган V Makka 3D дастуридан фойдаланувчилар Масжидул Ҳарам, Масжидул Набавий ва Қуддусдаги «Ал-Ақсо» масжидларида интерактив экскурсияларда қатнашишлари мумкин.

Шунингдек, Арафа майдони, Жамарат устунлари, Муздалифа майдони ва муқаддас шаҳарлардаги кўргазмалар каби яқин атрофларга деярли ташриф буюриш мумкин бўлади.

Дастур араб, инглиз, турк, форс, урду, малай ва индонез тилларида фойдаланувчилар учун қулай тарзда яратилган.

Ўтган йили ҳаж зиёрати кўпчилик диндорлар учун коронавирус сабаб илк марта ёпиқ бўлди. Ҳаж зиёратини бутун дунё мусулмонларига янада яқинлаштириш учун немис компанияси муқаддас қадамжоларга

интерактив рақамли саёҳат яратди. «Муслим 3D» деб номланган бу дастур видео-ўйинга ўхшайди, лекин аслида бутун Ислom дунёсидаги энг муҳим жойларга виртуал саёҳат қилиш имконини беради.

Хуршид Маъруф тайёрлади